



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАГИ ТУБ ЯНГИЛАНИШЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ

Muminov Ulmas Ravshanqulovich

Denov Tadbirkorlik va pedagogika instituti o'qituvchi

(Denov O'zbekiston) Tel:998993604818

e-mail:umuminov089@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7952202>

ARTICLE INFO

Received: 10th May 2023

Accepted: 19th May 2023

Online: 20th May 2023

KEY WORDS

Маҳалла, қишлоқ, таълим, модернизация, темир дафтар, ёшлар дафтари.

ABSTRACT

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб янгиланишлар ва модернизация жараёнларидан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳам четда қолгани йўқ. Хусусан, бугунги кунда вилоятда жами 721 та маҳалла фуқаролари йиғинлари мавжуд бўлиб, шундан 541 таси ўз хизмат биносига эга, қолган 180 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан 87 таси таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда 93 таси бошқа корхона ташкилотлар биноларида фаолият юритиб келган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сон қарорининг 14-бандига мувофиқ туман(шаҳар)ларда "Маҳалла марказлари" мажмуаларини ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларини бино билан таъминлаш ва моддий техникаси ривожлантириш ишларини маҳаллий бюджетнинг орттирилган қисмидан ва давлат хусусий шерикчилик асосида маҳалла биносини қуриш истагини билдирган тадбиркор топиб маҳалла комплексларини қуришни ташкил этишиб кўрсатиб ўтилган.

Сурхондарё вилоятида 2020-2022 йилларга мўлжалланган Дастур ишлаб чиқилган бўлиб, Дастурга асосан 2020 йилда 80 та, 2021 йилда 69 та, 2022 йилда 64 та жами 213 та маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларини қуриш режалаштирилган. (шундан 125 таси Давлат хусусий шерикчилик асосида 88 таси эса маҳаллий бюджет ҳисобидан). Вилоятда 2020 йил 80 та маҳалла фуқаролар йиғинлари дастурга киритилган бўлиб, шундан; 21 та (Кумкўрғон туманида "Янги қишлоқ", "Ғалаба", "Янги ер", "Тайфанг", "Бўстон", Сариосиё туманида "Эхтиром", "Чош", "Шохқишлоқ", Бойсун туманида "Чор чинор", "Пулҳоким", "Мехробод", Олтинсой туманида "Мўминқул", Жарқўрғон туманида "Бешбулоқ", "Бобур", "Исмоил тепа", Денов туманида "Боботоғ", "Ибн сино", Шеробод туманида "Галагузар", Шўрчи туманида "Қора ариқ", Музработ туманида "Ал Ҳаким Ат-Термизий", Термиз туманида "Халқобод") маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари янги қурилиб фойдаланишга топширилди ҳамда 4 та (Термиз



шаҳарда “Маърифат”, “Темир йўлчи”, Олтинсой туманида “Соҳибкор”, Узун туманида “Маданий турмуш”) маҳалла фуқаролар йиғинлари балансига бино олиб берилган.

Бундан ташқари, 40 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари қурилиш ишлари давом этмоқда. Ушбу биноларни 2021 йил 1-чорак якуни билан фойдаланишга топширилиши ражалаштирилган. 119 та маҳалла фуқаролар йиғинлари хизмат биноси жорий таъмирланган бўлиб, ҳомийлар томонидан 584 млн.сўм сарфланган, 10 та маҳалла фуқаролар йиғинлари хизмат биноси реконструкция ва капитал таъмирланган бўлиб, 706 млн.сўм маҳаллий бюджетнинг ортирилган қисми, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва ҳомийлар томонидан маблағ сарфланган. Вилоятдаги 21 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари янгидан қурилди. Бу хизмат биноларини қуриш учун 7 млд 100 млн.сўм маҳаллий бюджетнинг ортирилган қисмидан, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва ҳомийлар томонидан маблағ сарфланган.

Сўнгги йилларда фуқаролар фаровонлигини ошириш, уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш учун «Халқ давлат идораларига эмас балки, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак», деган ғояни ҳаётга татбиқ этилмоқда. Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, аҳолининг яхши яшashi учун ҳар томонлама шарт шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ўз аксини топган. Унда аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оиласалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш, бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш масалалари кўзда тутилган.

Масалан, Сурхондарё вилоятидаги туманлардаги энг кийин бориш худудларга сайёр тиббий-ижтимоий патронаж ҳамширалардан иборат бригадалар тузилиб, 2017 йил давомида 43500 нафар фуқаролар тиббий кўрикдан ўтказилди. Хусусан, 2017 йилнинг 27-28 март кунлари Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманидаги “Оқработ” маҳалласидаги 750 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилиб, булардан 450 нафари хотин қизлардан иборат 20 нафар фуқароларга озиқ-овқат махсулотлари, 2 нафар фуқарога дори дармон берилган. “Бешбулоқ” маҳалласидаги 850 нафар фуқаролар тиббий кўрикдан ўтказилиб, 500 нафари аёллардан иборат. 12 нафарига дори дармон берилган. Аҳолининг тиббий кўрикдан ўтказиш амалга оширилди. Ушбу кўрикка 2000 минг яқин аҳоли жалб этилишига кўмаклашилган.

Яъни “Инсон қадри учун”, «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган тамоил асосида халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ижтимоий ислоҳотларни давом эттириш хусусида фикр билдириди. Бунда, биринчидан, аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш чекка худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслигини инобатга олиш лозим. “Ҳисоб-китобларга кўра, кам таъминланган аҳоли мамлакатда тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ерда гап кичкина рақамлар эмас, балки 4-5 миллион аҳолимиз вакиллари ҳақида



кетмоқда. Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки улар миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал қилиш мумкин, деб ўйлади. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди. Бунда халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим”, деган эдавлат раҳбари.

Шу боисдан, фуқаролар қабулхоналари ташкил этилган тизим асосида барча даражадаги давлат раҳбарларининг мунтазам равища берадиган ҳисоботлари асосида фуқаролар билан очик мулоқот қилишнинг янги самарали шакллари ва механизмларини жорий қилиш, аҳолининг хуқуқ ва эркинликларини, уларнинг манбаатларини ҳимоя қилиш, вазиятни ўрганиш учун мунтазам равища ташрифлар ташкил этиш асосида амалга оширилади. Мамлакатимиз амалиётида биринчи марта фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролик ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати яратилди. Ушбу хизматга давлат органлари томонидан фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонунбузарлик сабабларини аниқлаш ва аҳоли билан доимий ва очик мулоқот асосида фаолиятларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши амалга ошириш масалаларини таҳлил қилиш вазифаси топширилди.

2019 йилги маълумотларга кўра Сурхондарё вилоятида ижтимоий масалаларни ҳал қилиш ва аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича шу йилнинг 12 ойи давомида келиб тушган мурожаатлар 7167 тани ташкил этган. Тушган мурожаатларнинг энг кўпи яъни, 885 таси Шўрчи, 837 таси Денов, 800 таси Қумқўрғон, 723 таси Олтинсой, 545 таси Шеробод, 487 таси Бойсун, 444 таси Термиз шаҳрига, 442 таси Жарқўрғон, 426 таси Сариосиё, 391 таси Музработ ва 338 таси Узун туманларига тўғри келган. Келиб тушган мурожаатларнинг 6335 таси виртуал қабулхона орқали, 832 таси бевосита кенгашга тушган. Вилоят кенгashi бошкаруви раиси-шахсий қабули орқали 12 та ва вилоят кенгashi ишонч телефони орқали 14 та мурожаатлар келиб тушган.

Тушган мурожаатлар мазмунан таҳлил этилганда, уларнинг 58 таси фонддан моддий ёрдам сўраб, 1413 таси маҳалла фуқаролар йиғинидан моддий ёрдам сўраб, 3759 таси маҳалла фуқаролар йиғинидан болалар нафақаси сўраб, 459 таси маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари хатти-ҳаракатлари юзасидан, 158 таси оиласидан масалада, 198 таси соғлигини тиклаш масаласи юзасидан ва 1122 таси бошка масалаларда тушган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан тайинланадиган моддий ёрдам ва болалар нафақаси масаласида энг кўп мурожаат Шурчи туманидан 640 та, Қумқўрғон туманидан 633 та, Олтинсой туманидан 596 та, Денов туманидан 573 та, Шеробод туманидан 397 та, Бойсун туманидан 345 та, Жарқўрғон туманидан 310 та, Сариосиё туманидан 303 та, Термиз шаҳридан 274 та, Музработ туманидан 229 та, мурожаат тушган.

Шунингдек, фуқаролар йиғини ходимлари хатти-ҳаракати тўғрисидаги мурожаатлар таҳлил этилганда, жами тушган 459 та мурожаатнинг 66 таси Шўрчи, 54 таси Денов, 44 таси Бойсун, 42 таси Қумқўрғон, 37 таси Жарқўрғон, 33 таси Термиз шаҳридан, 32 таси эса Шеробод туманидан тушган. Мурожаатларга берилган



жавоблардан қаноатланмаган фуқаролардан Республика идоралариға ва вилоят ташкилотларига 41 та такрорий мурожаатлар тушган. Жумладан, Узун туманидан 6 та, Шўрчи туманидан 7 та, Музработ таманидан 5 та, Жаркўргон, Денов туманидан 4 тадан, Бойсун туманидан 3 та, Сариосиё, Термиз тумани, Шеробод, Кизирик, Ангор ва Термиз шаҳридан 2 тадан такрорий мурожаатлар тушган. Мурожаатларни ўрганиш натижасида 6 нафар ходимга, жумладан 1 нафар вилоят 4 нафар туман кенгашлари ходимларига нисбатан интизомий чоралар кўрилган.

Мавжуд ижтимоий муаммоларни бартараф этиш бўйича дифференциал ва манзилли ёндашувга кўра Ўзбекистонда сўнгги йилларда ЯИМ нинг 9,7 фоизи аҳолини ижтимоий ҳимоя тизимга йўналтирилди. Жумладан, ушбу маблағларнинг 72,0 фоизи ёки ЯИМ нинг 6,9 фоизи пенсия таъминоти хизматларини молиялаштиришга сарфланади. Мамлакатимиз аҳолисининг 23,0 фоизи у ёки бу турдаги пенсия ва ижтимоий нафақалар билан таъминланган бўлиб 2 ёшгача болали оиласарнинг 63,0 фоизи бола парвариши учун нафақа, кўп болали оиласарнинг 14 ёшгача нафақа таъминотини 88,0 фоиз оиласар олмайди. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзилли йўналтирилганлигига қарамай, ижтимоий жиҳатдан муҳтож оиласарнинг фақат 48,0 фоизи ижтимоий ҳимоя дастурлри билан қамраб олинган.

Ўзбекистонда жорий этилган янги тизим «Темир дафтари» “Аёллар дафтари”, «Ёшлар дафтари» лари ўз самарасини бермоқда. Бу давлат ёрдамини манзилли йўналтириб туриш, ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш учун асос бўлди, катта натижалар бермоқда. Ҳозирда «Темир дафтари»лар оиласарни камбағалликдан чиқариш ишларини режали ташкил этишда, рўйхатдагиларга қараб кейинги ишларни мувофиқлаштиришда қўл келмоқда. Ёшлар ва аёллар дафтарлари ҳам касб-хунар ўргатиш, бандликни таъминлашда манзилли ёндашувни кучайтиришга хизмат қиласи. «Ёшлар дафтари»га 18-30 ёшгача бўлган йигит-қизлар киритилса, «Аёллар дафтари»га 30 ёшдан ошган аёллар киритилди. Рўйхатни шакллантиришда ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, аҳолини камбағалликдан чиқариш, улар билан манзилли ва мақсадли иш олиб боришга доир муҳим ва керакли қадамлар қўйилди. Жумладан, “Темир дафтари” тизими жорий этилганидан 2023 йилга қадар 599 минг 529 та оила ушбу рўйхатга киритилган. Дафтарга киритилган фуқароларнинг мавжуд муаммоларини бартараф этиш натижасида 564 минг 612 та оила “Темир дафтари”дан чиқарилган. Ҳозирда “Темир дафтари”да мавжуд 34 минг 917 та оила вакилларига зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда.

“Темир дафтари”га киритилган оиласарнинг 665 минг 930 нафар аъзосининг бандлиги таъминланган. Жумладан, оиласий тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали 25 минг 611 нафар, хунармандчиликни йўлга қўйиш орқали 6 минг 844 нафар аҳоли бандлиги таъминланиб, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 51 минг 998 нафар, ўзини-ўзи банд қилиш йўналишларига 319 минг 831 нафар фуқаро жалб этилган.

Аҳоли, айниқса қишлоқ жойларда яшаётган ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида жойларда “маҳаллабай” тарзда аҳоли билан учрашувлар



ўтказилди ҳамда ғалладан бўшаган ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш истагини билдирган 1 миллион 318 минг 37 нафар фуқарога ғалладан бўшаган 389 минг 25 гектар, шунингдек, “Темир дафтари”га киритилган 162 минг 390 та оиласа 63 минг 236,7 гектар ер майдони ажратиб берилди. Хотин-қизларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ишсиз аёллар бандлигини таъминлашнинг янгича тизими сифатида йўлга қўйилган “Аёллар дафтари” ҳам аҳоли турмуш фаравонлигини ошириш йўлида катта ижтимоий дастур сифатида кўплаб оиласарга қувонч улашмоқда. Ушбу тамойил асосида шу кунга қадар юртимиздаги 30 ёшдан юқори бўлган миллионлаб хотин-қизлар билан суҳбат олиб борилди ҳамда уларни қийнаётган масалалар ўрганилди. Бугунги кунга қадар ушбу дафтарга жами 432 минг 781 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 432 минг 275 нафарига амалий ёрдамлар кўрсатилган.

Жумладан, “Аёллар дафтари” тизимининг 1-босқичида 251 минг 363 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, ишсиз хотин-қизларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишига қўмаклашилди. 36 минг 697 нафар бокувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизларга 27 миллиард 572 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам берилди. 29 минг 40 нафар ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парваришига муҳтоҷ хотин-қизга 21 миллиард 58 миллион сўм моддий ёрдам тўлаб берилган.

Ушбу оиласарнинг моддий имкониятларини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш мақсадида қўйидаги чора-тадбирлар кўриш таклиф этилади:

- 1) мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ тузиб, эҳтиёжманд оиласарнинг аҳволини, ҳолатини, имкониятини, қизиқишини ўрганиш бўйича саволнома тузиш;
- 2) саволнома асосида 40 164 та эҳтиёжманд ва камбағал оиласанинг ҳар бири билан индивидуал суҳбатлар ўтказиш. Суҳбат давомида оиласанинг аҳволини, ҳолатини, имкониятини, қизиқишини ўрганиш.
- 3) Ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш, ҳар бир оиласанинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиб, таҳлил ва ўрганишлар асосида манзилли ишларни ташкил этиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиши.
- 4) Ҳар бир хонадонга мураббийларни бириктириш.
- 5) “Йўл харитаси”да қўйидаги асосий ўйналишларни белгилаш кабилар.

References:

1. Сурхондарё вилоят Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан 2020 йил давомида амалга оширилган ишлар бўйича маълумот.
2. Ўша жойда
3. Сурхондарё вилоят Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган ишлар бўйича Ҳисоботи маълумотлари.
4. Ўша жойда.
5. Бахтиёров Б. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устувор ўйналишлари // Иқтисод ва молия. 2021. 3 (139)
6. uza.uz/uz/posts/temir-daftari-va-ayollar-daftari-xotin-qizlarning-muammosini-hal-etyaptimi_302087
7. Ўша манба
8. Ўша манба